
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛАРМОНИЯСИ ҲУДУДИЙ ФИЛАРМОНИЯЛАР ЎРТАСИДА РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИДА ИККИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

Отабек Муҳаммадзоҳид бошчилигидаги Ўзбекистон давлат филармонияси Фарғона вилоят ҳудудий бўлини маси санъаткорлари Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган ҳудудий филармониялар ўртасида Республика кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллади.

Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган филармониялар ҳудудий бўлимлари ижодий жамоалари вакиллари иштирокида Жиззах вилоят мусиқали драма театрида ташкил этилган кўрик-танловда жами 400 нафардан зиёд иқтидорли ёшлар иштирок этдилар.

Фарғона вилоят филармониясига диплом, кўрик-танловнинг махсус статуёткаси ҳамда 200 миллион сўм пул мукофоти тақдим этилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-11-01 12:10:07